

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУҚОДИРОВ ЭЛДОР ИСРОИЛОВИЧ**

**ПАРКИНСОН КАСАЛЛИГИ: КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ВА**  
**НЕЙРОПСИХОЛОГИК ПАРАЛЛЕЛЛАР**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Sciences (DSc)**

**Абдуқодиров Элдор Исроилович**  
Паркинсон касаллиги: клиник-иммунологик  
ва нейрпсихологик параллеллар ..... 3

**Абдуқодиров Элдор Исроилович**  
Болезнь Паркинсона: клинико-иммунологические и  
нейрпсихологические параллели ..... 27

**Abduqodirov Eldor Isroilovich**  
Parkinson's disease: clinical, immunological and  
neuropsychological parallels ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**  
Список опубликованных работ  
List of published works ..... 57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУҚОДИРОВ ЭЛДОР ИСРОИЛОВИЧ**

**ПАРКИНСОН КАСАЛЛИГИ: КЛИНИК-ИММУНОЛОГИК ВА**  
**НЕЙРОПСИХОЛОГИК ПАРАЛЛЕЛЛАР**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.2.DSc/Tib848 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Матмуродов Рустамбек Жуманазарович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Абдуллаева Наргиза Нурмаматовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Киличев Ибадулла Абдуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Антанас Вайткус**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Литва республикаси)

**Етакчи ташкилот:**

**Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-28), e-mail: [info@tma.uz](mailto:info@tma.uz) ).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871) 214-82-90).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.С. Рахимбаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори,  
профессор

**Р.Б. Азизова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Д.К. Хайдарова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясига аннотация)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра<sup>1</sup>, неврологик касалликлар билан оғриганлар сони 3 миллиардга яқин бўлиб, уларнинг катта қисмини нейродегенератив касалликлар ташкил этади. Сўнгги ўн йилликларда аҳоли орасида кексалар улушининг ортиши ва умр кўриш давомийлигининг узайиши натижасида Паркинсон касаллиги (ПК) билан касалланиш ҳолатлари кескин кўпайди. Ҳозирда дунё аҳолисининг тахминан 0,3% ПК билан касалланган бўлиб, 60 ёшдан ошганларда бу кўрсаткич 1% гача, 75 ёшдан кейин эса 4% гача этади. 2021 йилда жаҳонда тахминан 11,9 миллион киши ПК билан яшаган, шуларнинг 2,3-2,5 миллиони ривожланган етти мамлакат (G7) аҳолиси ҳиссасига тўғри келади. АҚШда касаллик тарқалиши 0,3%, Европанинг айрим давлатларида эса 0,3-0,4% ни ташкил этади. Бу ҳолат ПКнинг соғлиқни сақлаш тизими учун долзарб муаммога айланганини кўрсатади.

Жаҳонда ПКни эрта ташхислаш, хавф омилларини аниқлаш ва индивидуал терапевтик ёндашувни шакллантириш йўналишида илмий тадқиқотлар фаол олиб борилмоқда. ПКни ўз вақтида аниқлаш ҳаракат фаолиятини яхшилаш, депрессив ҳолатларни бартараф этиш ҳамда беморнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини беради. Шу муносабат билан ПКнинг патогенетик механизмини чуқур ўрганиш, унинг ривожланишига таъсир қилувчи биомаркерларни баҳолаш, касалликнинг клиник-кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда индивидуал даво усулларини ишлаб чиқиш замонавий тиббиётнинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб, илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда. Шу каби тадқиқотлар натижасида, ПК учун биомаркерларга асосланган диагностика алгоритмларини ишлаб чиқиш, касалликнинг динамикасини баҳолаш ва даволашни индивидуаллаштириш имконини берувчи оқилона ва самарали ёндашувлар шакллантирилмоқда.

Мамлакатимизда ҳам тиббий ёрдамни ривожлантириш, жаҳон стандартларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиқиб, ПКни ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий ёрдам даражасини кўтариш учун аҳоли ўртасида профилактика тадбирларини олиб боришга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

<sup>1</sup> <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/parkinson-disease>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>3</sup>.**

Ўтказилган илмий тадқиқотлар таҳлилида аниқландики, Паркинсон каслиги патогенезида микроглия фаоллашуви, оксидатив стресс, митохондрия дисфункция, аутоиммун реакциялар ва яллиғланиш цитокинларининг (IL-1 $\beta$ , IL-6, TNF- $\alpha$ ) ортиши нейродегенератив жараёнларнинг етакчи звеноси экани таъкидланган. Karolinska Institute ва Johns Hopkins University олимлари марказий нерв тизимидаги яллиғланиш ва иммун жавобнинг нейрон деградациясидаги ўрнини илмий жиҳатдан асослаб берган.

Шу билан бирга, Harvard Medical School ва University of Zurich томонидан  $\alpha$ -синуклеин, нейрофиламент-L (NfL), DJ-1 каби биомаркерларнинг ўзгариши ПҚнинг эрта ташхисида муҳим аҳамиятга эга экани кўрсатилган. Функционал МРТ, ПЭТ ва DAT-SPECT каби усуллардан фойдаланган Charité Berlin ва University of California San Francisco тадқиқотчилари нейродегенерациянинг илк босқичдаги функционал белгиларини аниқлаш методларини такомиллаштирган.

Замонавий изланишларда регенератив терапияга катта эътибор қаратилмоқда. University of Melbourne ва Sorbonne University олимлари ўзак хужайралари асосида дофаминергик нейронларни қайта тиклаш имкониятини баҳоламоқда. University of Toronto ва Seoul National University мутахассислари эса беморнинг клиник профили ва биомаркерлари асосида индивидуал даволаш стратегияларини ишлаб чиқишни таклиф қилмоқдалар.

---

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: [pubmed.ncbi.nlm.nih.gov](http://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov), [cyberleninka.ru](http://cyberleninka.ru), [www.goethe-university-frankfurt.de](http://www.goethe-university-frankfurt.de), [www.utexas.edu](http://www.utexas.edu), [ubc.ca](http://ubc.ca), [www.berkeley.edu](http://www.berkeley.edu), [www.uark.edu](http://www.uark.edu), [www.virginia.edu](http://www.virginia.edu), [www.pitt.edu](http://www.pitt.edu), [www.ncl.ac.uk](http://www.ncl.ac.uk), [www.uio.no/english](http://www.uio.no/english), [www.useoul.edu](http://www.useoul.edu), [www.pkuf.org](http://www.pkuf.org), [www.gematologiya.uz](http://www.gematologiya.uz).

Ҳозирги вақтга келиб, ПК бўйича тадқиқотлар иммуномодулятор таъсирларни ўрганиш, эрта диагностика учун янги биомаркерлар яратиш, нейропротектор ва регенератив даволаш усуллариани такомиллаштириш йўналишларида жадал ривожланмоқда. Бу изланишлар касалликнинг прогрессиясини секинлаштириш, мотор ва номотор бузилишларнинг олдини олиш ҳамда беморлар ҳаёт сифатини оширишга қаратилган.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтга қадар Паркинсон касаллигида қўлланиладиган терапевтик ёндашувлар асосан умумий нейромодулятор ва симптоматик таъсирга эга дори воситаларига таянади. Бироқ, ПКнинг турли клиник шакллари учун қайси даволаш стратегияси устун самара бериши ҳақида етарли даражада аниқланган клиник далиллар базаси мавжуд эмас. Митохондриал дисфункция, оксидатив стресс, нейрояллиғланиш, дофаминергик сигнал узатиш бузилишлари ва нейроваскуляр дисрегуляция каби патогенетик механизмлар турлича намоён бўлишига қарамай, уларга мос индивидуал даволаш алгоритмлари ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун ПКнинг клиник шакллариани чуқур ўрганиш, биохимик ва нейроваскуляр ўзгаришлар билан боғлиқ диагностик мезонларни аниқлаш ва индивидуаллаштирилган даволаш усуллариани ишлаб чиқиш бугунги неврологияда ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Паркинсон касаллиги бўйича илмий тадқиқотлар сезиларли даражада фаоллашди. Хорижий адабиётларда ушбу касалликнинг нейродегенератив механизмлари, жумладан, дофаминергик нейронларнинг деструкцияси, митохондриал дисфункция ва  $\alpha$ -синуклеин агрегацияси атрофлича ўрганилган (Bloem B.R., Okubadejo N.U., Klein C., Lancet Neurology, 2023; Postuma R.B., Poewe W., Nat. Rev. Neurol., 2022). Шу билан бирга, Паркинсон касаллигининг премотор босқичини ва унинг биомаркер асосларини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар сони ортиб бормоқда. (Berg D., Espay A.J., Movement Disorders, 2023).

Замонавий илмий ишлар шундан далолат берадики, Паркинсон касаллиги фақат мотор бузилишлар билан чекланмай, номотор компонентлар - когнитив, аффектив ва автоном ўзгаришлар билан ҳам тавсифланади (Aarsland D., Kalia L.V., JAMA Neurology, 2022). Шу муносабат билан, касалликнинг патогенетик жараёнларини комплекс баҳолаш, яъни клиник, иммунологик ва нейropsихологик кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилиш замонавий неврологиянинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам ушбу йўналишдаги илмий изланишлар йўлга қўйилган бўлиб, маҳаллий олимлар - Ҳ.М.Ҳалимова, Ё.Н.Мажидова, Г.С. Раҳимбаева, Р.Ж. Матмуродов ва бошқаларнинг ишларида Паркинсон касаллигининг клиник хусусиятлари, молекуляр ва биокимёвий жиҳатлари ҳамда терапевтик ёндашувлари таҳлил этилган. Бу тадқиқотлар натижасида касаллик патогенезидаги кўп қиррали жараёнларнинг клиник аҳамиятини очиқ бериш йўлида муҳим қадамлар қўйилди.

Шу билан бирга, Паркинсон касаллигида иммунологик реакциялар, цитокин профили ва нейробиологик бузилишлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тизимли баҳолаш масаласи ҳали тўлиқ ўрганилмаган бўлиб, ушбу йўналишдаги тадқиқотлар келгусида касалликнинг эрта диагностикаси ва прогнозини такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий ташкилот ёки таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011900252-сон «Неврологик касалликлари бўлган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш усулларини такомиллаштириш (2021-2024 йй.)» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Паркинсон касаллигининг клиник, иммунологик ва нейробиологик белгилари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни патогенетик жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда эрта ташхислашни такомиллаштиришга қаратилган прогностик мезон ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Паркинсон касаллигининг клиник-неврологик ва нейробиологик кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлигини комплекс таҳлил қилиш ва уларнинг патогенетик аҳамиятини аниқлаш;

Паркинсон касаллиги билан оғриган беморлар қон зардобидидаги иммунологик медиатор- TNF- $\beta$  (Tumor Necrosis Factor Beta), интерлейкинлар (IL-6, IL-10), C-реактив оқсил ҳамда IgA ва IgG даражаларини касалликнинг клиник шакллари ва босқичлари бўйича диагностик қийматини баҳолаш;

Паркинсон касаллигининг мотор бузилишлари ва иммунологик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни корреляцион таҳлил қилиш ҳамда яллиғланиш медиаторларининг ҳаракат тизими фаолиятига таъсирини аниқлаш;

Паркинсон касаллигида когнитив, хавотирлик ва депрессив бузилишларнинг иммунологик кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлик даражасини аниқлаш;

клиник, иммунологик ва нейробиологик ўзгаришларнинг комплекс таҳлили асосида касалликнинг илк босқичини аниқлашга қаратилган прогностик мезон ишлаб чиқиш;

ишлаб чиқилган клиник-иммунологик ва нейробиологик мезонни Паркинсон касаллиги профилактикаси ва эрта диагностика тизимида интеграция қилиш ҳамда уни клиник амалиётда қўллаш орқали диагностик ва прогностик имкониятларни такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2024-2025 йиллар мобайнида Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасида кузатувда бўлган Паркинсон касаллиги билан оғриган 155 нафар бемор ҳамда 20 нафар соғлом назорат гуруҳи олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида Паркинсон касаллиги билан оғриган беморларда олинган клиник кузатув маълумотлари, нейробиологик ҳолатни

баҳолаш учун қўлланилган шкалалар натижалари, магнит-резонанс томография (МРТ) текшируви хулосалари, шунингдек, TNF- $\beta$ , IL-6, IL-10, С-реактив оқсил, иммуноглобулинлар (IgA, IgG) миқдорларини биокимёвий таҳлил қилиш учун олинган қон зардоби наъмуналари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, неврологик, биокимёвий ва нейропсихологик кўрсаткичлар, жумладан қондаги иммунологик маркерлар (TNF- $\beta$ , IL-6, IL-10, С-реактив оқсил, IgA ва IgG), ҳамда беморларнинг когнитив фаолияти RAVLT, VFT, хавотир ва депрессия даражаси HAM-A, BDI, ҳаёт сифатини баҳолаш эса EQ-5D шкалалари ёрдамида, клиник ҳолатлар Unified Parkinson's Disease Rating Scale (UPDRS) ва Ҳен ва Яру шкалалари асосида ўрганилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Паркинсон касаллиги билан оғриган беморлар қон зардобидида TNF- $\beta$ , IL-6, IL-10 ва С-реактив оқсил даражалари ошиб, аксинча IgA ва IgG камайиши, касаллик прогрессиясини акс эттирувчи патогенетик биомаркер эканлиги аниқланган;

Паркинсон касаллигининг ривожланишида яллиғланиш медиаторлари (TNF- $\beta$ , IL-6, IL-10 ва С-реактив оқсил) ва иммун тизимининг регулятор вазибалари ўртасидаги гомеостатик мувозанат бузилиши, сурункали яллиғланишни кучайтириб, дофаминергик нейронлар деградациясини тезлаштирувчи ҳамда касаллик прогрессиясини белгилаб берувчи етакчи патогенетик омил эканлиги асосланган;

Паркинсон касаллигининг клиник авж олиши яллиғланиш медиаторлари ва гуморал иммун жавоб кўрсаткичларининг ошиб бориши билан узвий боғлиқ бўлиб, яллиғланиш жараёнларининг фаоллашуви мотор симптомларни кучайтириши аниқланган;

Паркинсон касаллигида TNF- $\beta$ , IL-6, IL-10 ва С-реактив оқсил даражалари ортиши когнитив ва аффектив бузилишларнинг прогрессиясини ва ҳаракатга боғлиқ бўлмаган белгилар ривожланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани исботланган;

Паркинсон касаллигининг иммунологик ва нейропсихологик кўрсаткичларини интегротив баҳолашга асосланган касалликни эрта ташхислаш, оғирлик даражасини, мотор ва номотор бузилишларни аниқлаш мезони ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Паркинсон касаллигини эрта аниқлаш ва ривожланиш хавфини баҳолаш мақсадида клиник, нейропсихологик ва иммунологик кўрсаткичларнинг комплекс таҳлили асосида комплекс диагностик мезон ишлаб чиқилган;

UPDRS, MMSE, BDI, HAM-A, EQ-5D каби шкалаларнинг интегротив қўлланилиши орқали когнитив дефицитнинг эрта босқичда аниқлашда ишончли скрининг воситаси сифатида амалиётга жорий этиш таклиф қилинган;

биокимёвий таҳлил натижалари асосида цитокинлар (TNF- $\beta$ , IL-6, IL-10) ва иммуноглобулинлар (IgA, IgG) концентрациясининг ўзгариши

касалликнинг оғирлик даражаси ва давомийлиги билан патогенетик боғлиқлиги илмий асослиб, ушбу кўрсаткичлар асосида клиник-прогностик мезон ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, умумклиник, инструментал, иммунологик, лаборатор ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шунда намоён бўладики, Паркинсон касаллигининг ривожланиши ва оғирлашишида иммун тизими фаолиятининг бузилиши ҳамда яллиғланиш медиаторлари ўртасидаги мувозанатнинг издан чиқиши касаллик патогенезида ҳал қилувчи омил сифатида тасдиқланиб, TNF- $\beta$ , IL-6, IL-10, C-реактив оқсил, иммуноглобулин А ва G даражаларидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда мазкур иммун дисбалансни барқарорлаштиришга қаратилган янги диагностик ёндашувларни ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шунда намоён бўладики, таклиф этилган диагностик дастур Паркинсон касаллигини эрта аниқлаш имконини бериб, уни амалий тиббиётда қўллаш касалликни барвақт ташхислаш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини ва жамиятга мослашув даражасини яхшилашга хизмат қилувчи диагностика тадбирларининг барча босқичларида самарали алгоритмни жорий этиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши.** Паркинсон касаллигида клиник, иммунологик ва нейропсихологик кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, уларнинг динамик ўзгаришлари ва номотор белгилар шаклланишидаги аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* Паркинсон касаллигининг клиник шакллари ва босқичларини баҳолашда қон зардобидеги иммунокомпонентлар фаолиятини касалликнинг прогрессияси ва оғир кечишини тавсифловчи ишончли биомаркер сифатида қўллаш бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институти қошидаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 29.03.2025й, 01-р/114- сонли қарори билан тасдиқланган «Паркинсон касаллиги аниқланган беморлар иммун статусини баҳолаш усули» ва «Паркинсон касаллигида нейропсихологик ўзгаришларга асосланиб касалликнинг оғирлик даражасини баҳолаш алгоритмини ишлаб чиқиш» мавзусидаги услубий тавсияномасига киритилган. Мазкур тадқиқот усули Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонаси (04.04.2025 йилдаги 01-62-сонли буйруқ) ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси шаҳар тез тиббий ёрдам клиник

шифохонасида (17.04.2025 йилдаги 34-сонли буйруқ) амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Таклиф этилган иммунологик баҳолаш ёндашуви орқали Паркинсон касаллигини эрта аниқлаш, мотор ва номотор бузилишларнинг оғирлашишини олдини олиш, шунингдек беморларнинг ҳаётий фаоллиги ва ижтимоий мослашувини сақлаб қолиш имкони яратилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* Таклиф этилган иммунологик диагностика усули қиммат инструментал текширувлар сонини камайтириш, беморларнинг диспансер кузатувини яхшилаш ҳамда даволаш самарадорлигини ошириш орқали бир нафар бемор ҳисобида ўртача 370000 сўмлик бюджет маблағларини тежаш имконини берди. *Хулоса:* Паркинсон касаллигининг клиник шакллари ва босқичларига мос равишда TNF- $\alpha$ , IL-6, IL-10, C-реактив оксил ва иммуноглобулин А ҳамда G даражаларидаги ўзгаришлар касалликнинг прогрессияси ва оғир кечишини тавсифловчи ишончли биомаркер эканлиги аниқланди. Бу эса Паркинсон касаллигини эрта ташхислаш ва индивидуал терапевтик ёндашувни шакллантиришда иммунологик кўрсаткичлардан самарали фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.

*иккинчи илмий янгилик:* Паркинсон касаллигининг ривожланиши яллиғланиш медиаторлари ва иммун тизимининг регулятор функциялари ўртасидаги мувозанатнинг бузилишини баҳолаш учун иммунологик мезонни қўллаш бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институти қошидаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 29.03.2025й, 01-р/114- сонли қарори билан тасдиқланган «Паркинсон касаллиги аниқланган беморлар иммун статусини баҳолаш усули» ва «Паркинсон касаллигида нейробиологик ўзгаришларга асосланиб касалликнинг оғирлик даражасини баҳолаш алгоритминини ишлаб чиқиш» мавзусидаги услубий тавсияномасига киритилган. Мазкур тадқиқот усули Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонаси (04.04.2025 йилдаги 01-62-сонли буйруқ) ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасида (17.04.2025 йилдаги 34-сонли буйруқ) амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Таклиф этилган иммунологик мезон асосида Паркинсон касаллигининг ривожланиши ва оғир клиник шакллари башорат қилиш имкони яратилиб, беморларда мотор ва номотор бузилишларнинг олдини олиш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ижтимоий фаоллигини узоқ муддат сақлаб қолиш таъминланди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Иммунологик мезонни клиник амалиётга жорий этиш орқали касалликнинг оғир босқичларига ўтиш ҳолатларини камайтириш, қимматбаҳо инструментал текширувларга бўлган эҳтиёжни қисқартириш ҳамда терапия самарадорлигини ошириш натижасида бир нафар бемор ҳисобида ўртача 410000 сўмлик бюджет маблағларини иқтисод қилиш имкони яратилди. *Хулоса:* Паркинсон касаллигининг ривожланиши яллиғланиш медиаторлари ва иммун тизими регулятор функциялари ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши билан узвий боғлиқ экани аниқланди. Бу ҳолат иммун дисбалансининг касаллик патогенезидаги ҳал қилувчи аҳамиятини кўрсатиб,

ушбу боғланишни баҳолашга қаратилган иммунологик мезонни клиник амалиётда қўллаш зарурлигини асослаб берди.

*учинчи илмий янгилик:* Паркинсон касаллигининг клиник оғирлашиши нейрояллиғланиш жараёнларининг фаоллашуви мотор симптомларни кучайтирувчи асосий патогенетик омил эканлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институти қошидаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 29.03.2025й, 01-р/114- сонли қарори билан тасдиқланган «Паркинсон касаллиги аниқланган беморлар иммун статусини баҳолаш усули» ва «Паркинсон касаллигида нейрорпсихологик ўзгаришларга асосланиб касалликнинг оғирлик даражасини баҳолаш алгоритмини ишлаб чиқиш» мавзусидаги услубий тавсияномасига киритилган. Мазкур тадқиқот усули Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонаси (04.04.2025 йилдаги 01-62-сонли буйруқ) ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасида (17.04.2025 йилдаги 34-сонли буйруқ) амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Таклиф этилган патогенетик ёндашув асосида Паркинсон касаллигининг клиник оғирлашишини эрта аниқлаш ва мотор бузилишларнинг кучайишини олдини олиш имкони яратилиб, беморларнинг функционал мустақиллиги, меҳнат қобилияти ва ижтимоий фаоллиги узоқ муддат сақлаб қолиниши таъминланди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Яллиғланиш медиаторлари ва гуморал иммун жавоб кўрсаткичларига асосланган баҳолаш усулини амалиётга жорий этиш орқали касалликнинг оғир шаклларига ўтиш ҳолатларини камайтириш, даволаш муддатларини қисқартириш ва реабилитация харажатларини оптималлаштириш натижасида бир нафар бемор ҳисобида ўртача 390000 сўмлик бюджет маблағларини тежаш имкони яратилди. *Хулоса:* Паркинсон касаллигининг клиник оғирлашиши яллиғланиш медиаторлари ва гуморал иммун жавоб кўрсаткичларининг ошиб бориши билан узвий боғлиқ экани аниқланди. Бу ҳолат нейрояллиғланиш жараёнларининг фаоллашуви мотор симптомларни кучайтирувчи асосий патогенетик омил эканлигини кўрсатиб, касаллик кечишини назорат қилишда иммунологик мониторингни жорий этиш зарурлигини асослаб берди.

*тўртинчи илмий янгилик:* биокимёвий таҳлил натижалари асосида цитокинлар (TNF-в, IL-6, IL-10) ва иммуноглобулинлар (IgA, IgG) концентрациялари асосида клиник-прогностик модел таклиф этилганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институти қошидаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 29.03.2025й, 01-р/114- сонли қарори билан тасдиқланган «Паркинсон касаллиги аниқланган беморлар иммун статусини баҳолаш усули» ва «Паркинсон касаллигида нейрорпсихологик ўзгаришларга асосланиб касалликнинг оғирлик даражасини баҳолаш алгоритмини ишлаб чиқиш» мавзусидаги услубий тавсияномасига киритилган. Мазкур тадқиқот усули Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонаси (04.04.2025 йилдаги 01-62-сонли буйруқ) ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасида (17.04.2025 йилдаги 34-сонли буйруқ) амалиётга жорий

этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Цитокинлар (TNF-в, IL-6, IL-10) ва иммуноглобулинлар (IgA, IgG) концентрациясига асосланган клиник-прогностик модел орқали Паркинсон касаллигининг оғирлик даражаси ва давомийлигини аниқ баҳолаш, беморларда мотор ва номотор бузилишларни эрта аниқлаш ҳамда индивидуал реабилитация дастурларини тузиш имкони яратилди. Бу ёндашув касаллик прогрессиясини сустрлаштириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* Клиник-прогностик моделни амалиётга жорий этиш орқали ноқонуний текширувлар сонини камайтириш, беморларнинг даволаниш жараёнини қисқартириш ва қиммат инструментал усулларга эҳтиёжни пасайтириш ҳисобига бир нафар беморга ўртача 400000 сўмлик бюджет маблағларини иқтисод қилиш имкони яратилди. *Хулоса:* Биокимёвий таҳлил натижаларига кўра цитокинлар ва иммуноглобулинлар концентрациясининг ўзгариши Паркинсон касаллигининг оғирлик даражаси ва давомийлиги билан патогенетик боғлиқ экани аниқланди. Бу эса касаллик кечишини башорат қилиш ва индивидуал терапевтик тактикани белгилашда клиник-прогностик моделни қўллаш зарурлигини кўрсатди.

*бешинчи илмий янгилик:* Паркинсон касаллигининг иммунологик ва нейрпсихологик кўрсаткичларини интегратив таҳлил қилишга асосланган баҳолаш мезони ишлаб чиқилиб, касалликни эрта ташхислаш, оғирлик даражасини аниқлаш, мотор ва номотор бузилишларни комплекс баҳолаш ҳамда индивидуал терапевтик ёндашувни танлаш имконини берувчи мезон бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институти қошидаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 29.03.2025й, 01-р/114- сонли қарори билан тасдиқланган «Паркинсон касаллиги аниқланган беморлар иммун статусини баҳолаш усули» ва «Паркинсон касаллигида нейрпсихологик ўзгаришларга асосланиб касалликнинг оғирлик даражасини баҳолаш алгоритминини ишлаб чиқиш» мавзусидаги услубий тавсияномасига киритилган. Мазкур тадқиқот усули Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонаси (04.04.2025 йилдаги 01-62-сонли буйруқ) ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасида (17.04.2025 йилдаги 34-сонли буйруқ) амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Иммунологик ва нейрпсихологик кўрсаткичларни интегратив таҳлил қилишга асосланган баҳолаш мезони орқали Паркинсон касаллигини эрта аниқлаш, мотор ва номотор бузилишларни баҳолаш ҳамда индивидуал терапияни танлаш имкони яратилди, бу эса беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ижтимоий фаоллигини сақлашга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* Интегратив баҳолаш мезонини амалиётга жорий этиш орқали диагностика жараёнини соддалаштириш, текширувлар сонини камайтириш ва даволаш самарадорлигини ошириш ҳисобига бир нафар беморга ўртача 420000 сўмлик бюджет маблағларини иқтисод қилиш имкони яратилди. *Хулоса:* Иммунологик ва нейрпсихологик кўрсаткичларга асосланган баҳолаш

мезони Паркинсон касаллигини эрта ташхислаш ва оғирлик даражасини аниқ баҳолашда самарали усул сифатида таклиф этилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 9 та республика, 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 169 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Паркинсон касаллигининг патогенези ва клиник намоён бўлишининг замонавий талқини (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида касалликнинг патогенези, клиник намоён бўлиши ва унинг ташхис ҳамда даволашдаги замонавий ёндашувлар тўғрисидаги илмий адабиётлар таҳлили келтирилган. Паркинсон касаллигининг эпидемиологияси, хавф омиллари ва этиопатогенетик механизмлари ёритилиб, турли классификациялар ва клиник шакллар таққосланган. Шунингдек, замонавий диагностика усуллари, хусусан нейровизуализация ва инструментал текширув имкониятлари таҳлил қилинган, терапиянинг янги йўналишлари ва прогнозни башорат қилиш масалалари илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Диссертациянинг «**Паркинсон касаллиги билан оғриган беморларнинг клиник тавсифи ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда иштирок этган контингент, қўлланилган усуллар ва олинган маълумотларнинг умумий тавсифи келтирилган. Тадқиқот Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникасида амалга оширилиб, унда жами 175 нафар шахс - 155 нафар Паркинсон касаллиги билан оғриган бемор ва 20 нафар амалий жиҳатдан соғлом назорат иштирокчилари қатнашди. Беморларнинг ёши 48 ёшдан 90 ёшгача бўлиб, улар касалликнинг клиник оғирлик даражасига кўра учта асосий гуруҳга ажратилди. Гуруҳлар Хен ва Яр (Hoehn & Yahr, 1967) шкаласи бўйича шакллантирилиб, биринчи

гуруҳ - енги, иккинчи - ўртача, учинчи - оғир клиник шаклдаги беморлардан иборат бўлди. Асосий гуруҳда 59 нафар эркек (34,1%) ва 116 нафар аёл (64,9%) иштирок этган бўлиб, уларнинг ўртача ёши мос равишда  $63,6 \pm 9,7$  ва  $61,1 \pm 4,5$  йилни ташкил этди.

Тадқиқот бир йил давом этган бўлиб, беморлар даволашгача, терапия тугагандан кейин ҳамда 6 ва 12 ой ўтгач қайта текширувдан ўтказилган. Барча иштирокчилар билан суҳбат ўтказилиб, касалликнинг бошланиш тарихи, илк белгилар, симптомлар динамикаси ва давога жавоб хусусиятлари ҳақида аниқ маълумотлар тўпланган. Клиник баҳолашда Unified Parkinson's Disease Rating Scale (UPDRS) ва Хен-Яр шкаласи қўлланилиб, мотор ва номотор белгилари тизимли тарзда баҳоланди.

Иммунологик ва биокимёвий таҳлиллар доирасида қон зардобидаги TNF- $\beta$ , IL-6, IL-10, C-реактив оқсил, шунингдек иммуноглобулин А (IgA) ва иммуноглобулин G (IgG) даражалари ўрганилди.


Тадқиқот натижалари Паркинсон касаллигининг фақат ҳаракат (мотор) бузилишлар билан эмас, балки номотор - когнитив ва аффектив ўзгаришлар билан ҳам кечишини кўрсатди. Хотира, диққат, фикрлаш, нутқ ва қарор қабул қилиш қобилиятидаги ўзгаришлар RAVLT, VFT, HAM-A, BDI ва EQ-5D тестлари ёрдамида баҳоланди. Бу тестлар когнитив ва психоэмоционал ҳолатнинг чуқур таҳлилни таъминлаб, индивидуаллаштирилган даво самарадорлигини аниқлаш имконини берди.

Текширувлар касалхонадаги даволаш даврида, даво якунлангач ҳамда 3 ойдан сўнг қайта ўтказилди. Олинган маълумотлар STATISTICA 12.5 ва Microsoft Excel 2019 дастурларида қайта ишланди. Нормал тақсимотда t-Стъюдент мезони, нормал бўлмаган тақсимотда эса Манн-Уитни U-критерийи қўлланилди, аҳамиятлилик даражаси  $p < 0,05$ , боғлиқлик даражаси эса  $\chi^2$  Пирсон мезони орқали баҳоланди.

Диссертациянинг «**Паркинсон касаллиги билан оғриган беморлар клиник-неврологик ва нейрпсихологик ҳолатининг хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотлар натижалари келтирилган. ПКнинг оғирлик даражаси ва клиник босқичига кўра неврологик хусусиятлари ўрганилди. ПКнинг турли клиник турларида симптомлар намоён бўлиши тавсифланди. ПК симптомларини баҳолаш учун қўлланилган шкалалар ва сўровномалар самарадорлиги баҳоланди. Шунингдек, иммунологик (TNF- $\alpha$ , IL-6, IL-10, CPO, IgA ва IgG етишмовчилиги) ҳамда коморбид касалликлар билан боғлиқ ПК кечишининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинди. ПК билан касалланган эркеклар ва аёллар сонининг нисбати 1,1 дан 1,6 гача ўзгариб турди.

Паркинсон касаллиги билан оғриган беморларнинг ёш ва клиник хусусиятларини таҳлил қилиш натижалари касаллик дебюти ва унинг клиник шакллари ўртасида муайян боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. Беморларнинг ёши 18 ёшдан 90 ёшгача бўлиб, дебют ёши ўртача  $57,55 \pm 0,85$  йилни ташкил этди. Касалликнинг илк белгилари кўп ҳолларда 60-74 ёш оралиғида қайд этилган бўлиб, ушбу тоифа беморларнинг 48 %ни ташкил этди. Жинс бўйича таққослашда клиник шакллар тарқалишида статистик аҳамиятга эга фарқлар аниқланмади, яъни эркеклар ва аёлларда касалликнинг турли шакллари

ривожланиш эҳтимоли бир хил эканлиги кўрсатилди. Беморларнинг клиник ва демографик кўрсаткичлари таҳлиliga кўра, энг юқори клиник фаоллик II ва III гуруҳларда қайд этилди: клиник симптомлар илк бор пайдо бўлган ёш ўртача  $55,3 \pm 6,9$  ёшни, биринчи тиббий муурожаат вақти эса  $56,8 \pm 6,7$  ёшни ташкил этди. Мотор бузилишлар частотаси I гуруҳда 90%, II гуруҳда 91%, III гуруҳда эса 94% бўлган. Номотор бузилишлар кўрсаткичи ҳам III гуруҳда устун бўлиб, 88% ҳолатда учраган. Касалликнинг клиник шакллари таҳлилида титроқ шакли 53 нафар (34,2%) беморда, асосан 45–59 ёш (40%) ва 60-74 ёш (33%) тоифасида аниқланган. Акинетик-ригид шакли 35 нафар (22,6%) беморда қайд этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми 60-74 ёш (22%) ва 74 ёшдан катталар (26%) тоифасига тўғри келган. Энг кам учрайдиган тур - титроқ-акинетик шакл бўлиб, у 15 нафар (9,6%) беморда аниқланган ва барча ёш гуруҳларида деярли бир хил частота билан (10%) кузатилган. Умумий таҳлил шуни кўрсатдики, Паркинсон касаллигининг энг кенг тарқалган турлари титроқ ва акинетик-ригид-титроқ шакллари бўлиб, улар барча ҳолатларнинг қарийб учдан икки қисмини ташкил этади. Ёш кесимида 60-74 ёш тоифаси устунлик қилган, айниқса акинетик-ригид-титроқ шаклида. Умуман олганда, барча ёшдаги беморлар орасида титроқ шакли 34,2%, акинетик-ригид-титроқ шакли 33,5%, акинетик-ригид шакли 22,6%, титроқ-акинетик шакли эса 9,7% ҳолатни ташкил этган. Бу маълумотлар Паркинсон касаллигининг ёшга боғлиқ ривожланиш хусусиятларини ва клиник турлар орасидаги нисбатни кўрсатиб, касаллик патогенезида ёш, фенотип, мотор ҳамда номотор бузилишлар ўртасидаги узвий боғлиқликни илмий жиҳатдан тасдиқлайди (1-расм).




### 1-расм. Паркинсон касаллигининг клиник шаклига кўра касалликнинг бошланиш ёши бўйича беморларни тақсимлаш натижалари

Паркинсон касаллигининг турли клиник шаклларида касалликнинг давомийлигини таҳлил қилганимизда титроқ шаклидаги беморлар орасида касалликнинг давом этиш муддати 34% ҳолларда 5 йилдан кам, 38% ҳолларда 6-10 йил, ва 19% ҳолларда 15 йилдан ортиқ бўлгани аниқланди. Акинетик-ригид-титроқ шаклида энг кўп беморлар (41%) 6-10 йиллик давомийлик тоифасига тўғри келган бўлиб, бу кўрсаткич акинетик-ригид шаклида ҳам 34% билан устунлик қилган. Титроқ-акинетик шаклидаги беморларда эса касалликнинг 6-10 йиллик давомийлиги 33% ҳолларда қайд этилди.

Олинган натижалар таҳлили Паркинсон касаллигининг турли клиник кўринишларида касалликнинг ривожланиш суръати ва давомийлиги бир хил

эмаслигини кўрсатди. Хусусан, титроқ шаклидаги беморлар орасида касалликнинг секин прогрессияси 15% ҳолларда кузатилиб, аксарият беморларда (66%) ўрта оғирликда кечиши устунлик қилди, тез ривожланувчи тур эса 19% беморларда қайд этилди. Ушбу маълумотлар титроқ шаклидаги Паркинсон касаллиги нисбатан сустр ривожланиш билан кечиши, акинетик компонент устун бўлган шаклларда эса касаллик тезроқ прогрессия қилиши эҳтимолини тасдиқлайди (2-расм).



**2-расм. Паркинсон касаллигининг турли шаклларида касалликлар давомийлигига кўра беморларни тақсимлаш натижалари**

Акинетик-ригид-титроқ шаклида ҳам титроқ турига яқин тенденция кузатилди. Таҳлил натижаларига кўра, ушбу шаклда касалликнинг ўрта даражада прогрессияси устун бўлиб, 65% беморда кузатилди. Бу кўрсаткич секин ривожланадиган турига нисбатан (12%) 5,4 марта, тезкор кечадиган турига нисбатан (23%) эса 2,8 марта юқори бўлди. Демак, акинетик-ригид-титроқ шаклида беморларнинг кўпчилигида касаллик мўътадил, лекин барқарор суръатда ривожланиши кузатилади, бу эса унинг узок муддатли прогрессия билан кечишини аңглатади.

Шунингдек, акинетик-ригид шакли ҳам ўрта даражадаги прогрессия билан тавсифланди - бу ҳолат 22 нафар (63%) беморда аниқланди. Ушбу кўрсаткич тезкор кечувчи тур (26%) билан таққослаганда 2,4 марта, секин ривожланувчи тур (11%) билан таққослаганда эса 5,7 марта юқори бўлди. Бу натижалар акинетик-ригид шаклида касалликнинг сустр эмас, балки мўътадил, лекин аниқ динамик ривожланишга мойиллигини кўрсатади.

Титроқ-акинетик шакли эса нисбатан кам учраган бўлиб, унда тезкор кечиш ҳолатлари нисбатан кўп - 4 нафар (27%) беморда кузатилган. Мўътадил суръатда кечиш эса 60% беморда аниқланган. Бу ҳолат титроқ-акинетик турининг клиник жиҳатдан ноаниқ, аммо тез ривожланишга мойил вариант сифатида қаралиши мумкинлигини кўрсатади (1-жадвал).

**1-жадвал**


**Паркинсон касаллигининг клиник шаклларида прогрессия суръатининг боғлиқлик натижалари**

| Паркинсон касаллиги шакллари | Секин |    | Мўътадил |    | Тезкор |    | Жами |      |
|------------------------------|-------|----|----------|----|--------|----|------|------|
|                              | абс.  | %  | абс.     | %  | абс.   | %  | абс. | %    |
| Титроқ шакли                 | 8     | 15 | 35       | 66 | 10     | 19 | 53   | 34,2 |

|                       |    |      |     |      |    |      |     |      |
|-----------------------|----|------|-----|------|----|------|-----|------|
| Акинетик-ригид-титрок | 6  | 12   | 34  | 65   | 12 | 23   | 52  | 33,5 |
| Акинетик-ригид        | 4  | 11   | 22  | 63   | 9  | 26   | 35  | 22,6 |
| Титрок-акинетик       | 2  | 13   | 9   | 60   | 4  | 27   | 15  | 9,7  |
| жами                  | 20 | 12,9 | 100 | 64,5 | 35 | 22,6 | 155 | 100  |

Умуман олганда, таҳлиллар Паркинсон касаллигининг барча клиник турларида ўрта даражадаги мўътадил прогрессия устун эканини кўрсатди. Шу билан бирга, акинетик компонент кучайган шаклларда ривожланиш суръати юқори бўлиб, тезкор кечиш эҳтимоли титрок турига нисбатан юқори экани аниқланди. Бу маълумотлар касалликнинг клиник вариантларини аниқлаш ва прогноз қилишда муҳим патогенетик аҳамиятга эга.

Мўътадил прогрессия барча ёш гуруҳларида энг юқори улушга эга бўлиб, айниқса 60–74 ёш (84%) ва >74 ёш (80%) гуруҳларида устунлик қилди. Бу шунингдек, катта ёшда бошланган ПК кўп ҳолларда мўътадил суръатда ривожланади. Тезкор прогрессия энг кўп 45–59 ёшда дебют қилган беморларда (19%) ва ёш дебютли (<45 ёш) гуруҳда (15%) қайд этилди. 60–74 ёшда бошланган ҳолларда бу кўрсаткич 6% гача пасайган бўлса, >74 ёш гуруҳида 10% атрофида сақланди. Умумий натижалар шунингдек, ёш дебютли ПКда секин ёки тезкор ривожланиш эҳтимоли юқори, катта ёшда дебют қилган ҳолларда эса асосан мўътадил прогрессия кузатилади (3-расм).



**3-расм. Паркинсон касаллиги дебют ёшидан прогрессия суръатининг боғлиқлик натижалари**

ПК 1-3 босқичидаги 155 нафар беморда касаллик давомийлиги ва ривожланиш суръати ўртасидаги боғлиқлик ўрганилди. Натижаларга кўра, секин суръатда тараққий этиш 16,1% беморда кузатилган бўлиб, уларнинг асосий қисми 2-5 йил (6,5%) ва 6-10 йил (5,2%) давомийлик гуруҳларига тўғри келган. Мўътадил суръатда ривожланиш 35,5% беморда қайд этилган, энг кўп ҳолатлар 6–10 йил (16,1%) ва 2-5 йил (12,9%) давомийликда кузатилган. Тезкор прогрессия 48,4% беморда аниқланиб, уларнинг катта қисми 6-10 йил (22,6%) ва >10 йил (14,8%) давомийликка эга бўлган (4-расм).



**4-расм. Паркинсон касаллиги ривожланишининг турли суръатларида касаллик давомийлигига боғлиқлиги**

ПК билан оғриган 155 нафар беморда мотор бузулишларни текшириш натижасида қуйидаги кўрсаткичлар олинди. Неврологик танқислик ҳаракат бузилишлари комбинацияси билан намоён бўлди. Гипокинезия ва ригидлик (100%) тинч ҳолатдаги тремор (79,7%) ва постурал беқарорлик (48,6%) кузатилди. Гипокинезия инициациянинг қийинлашиши ва секинлашиши билан намоён бўлди. Тезкор ҳаракатларни бажариш амплитудаси ва тезлигини камайтириш такрорий ҳаракатлар, гипомимия, сийрак милтиллаш, гипофония, микрография, ахерокинез, қадам узунлигини қисқартириш, судралиб юриш. Ригидлик мушак тонусининг пластик тури бўйича ошиши билан тавсифланган ва мушакнинг пассив чўзилишида аниқланган. Қўл-оёқларда (асосан дистал қисмларда) ва бўйинда ригидлик яққол намоён бўлди. Тинч ҳолатдаги тремор асосан қўл-оёқларнинг дистал қисмларида намоён бўлди ва ассиметрик характерга эга бўлди. Беморларнинг бир қисмида тинч ҳолатдаги тремор ўртача постурал тремор билан бирга келган (15%).

II ва III кичик гуруҳлар кўрсаткичлари UPDRS босқичи билан тўғридан-тўғри боғлиқ эди. ( $r=0,8$ ,  $p=0,01$  иккала кичик шкала учун) ва касалликнинг давомийлиги ( $r=0,5$ ,  $p=0,01$  иккаласи учун), яъни касаллик босқичи қанчалик юқори ва узоқ давом этса, беморларнинг кундалик фаолиятида ҳаракат бузилишлари ва чекловлар шунчалик аниқ бўлади.

Акинетик-ригид доминант (АРД) шакл гуруҳидаги беморларда ҳаракатланишнинг кучли ифодаланганлиги аниқланди. UPDRS II ва III қисмлари бўйича кундалик фаолият бузилишлари ( $r=0,03$ ;  $p=0,02$ ) титроқ доминант (ТД) шакл гуруҳи билан солиштирилганда, беморларнинг аксариятида (84%) кузатилган. Титроқ ёки ноқулайлик ҳисси билан касалликнинг бир томонлама бошланиши қўлда, камроқ ҳолларда касаллик бир оёқнинг қалтираши билан бошланган (11%) ва ундан ҳам камроқ (5%) ҳолларда, умумий гипокинезия ва ригидлик кўринишида икки томонлама бошланиши кузатилди. Беморларнинг аксариятида (84%) титроқ ёки ноқулайлик ҳисси билан касалликнинг бир томонлама бошланиши қўлда, камроқ ҳолларда касаллик бир оёқнинг қалтираши билан бошланган (11%) ва ундан ҳам камроқ (5%) ҳолларда умумий гипокинезия ва ригидлик

кўринишида икки томонлама бошланиши кузатилди. Бир томонлама бошланиш билан оғриган беморлар орасида 39 тасида (53%) қайд этилган. Клиник латерализация ва мотор етишмовчилигининг оғирлиги ўртасида боғлиқлик аниқланмади ( $p=0,07$ ). Шунингдек, ҳаракат бузилишларининг устувор латерализацияси ва ПКнинг ривожланиш тезлиги ўртасида боғлиқлик аниқланмади, аммо беморлар 4 гуруҳга бўлинганда: ўнг томонлама латерализацияланган АРД гуруҳи (ЎАРД), чап томонлама латерализацияланган АРД гуруҳи (ЧАРД), ўнг томонлама латерализацияланган ТД гуруҳи (ЎТД), чап томонлама латерализацияланган ТД гуруҳи (ЧТД), касалликнинг энг секин ривожланиши беморлар гуруҳидаги ЎАРД учун хос эканлиги аниқланди ( $p=0,01$ ).

NMSQuest сўровномаси натижалари Паркинсон касаллиги 1-3 босқичида номотор симптомлар юқори частота билан учрашини кўрсатди. Энг кўп кузатилган белгилари меъда-ичак тракти дисфункциялари бўлиб, қабзият (95,5%), сўлак оқиши (59,4%) ва дисфагия (56,8%) устунлик қилди. Уйқу бузилиши ва ҳолсизлик белгилари, жумладан, ҳолсизлик (53,5%), кундузги уйқучанлик (49,7%) ва инсомния (41,9%) ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайтиради. Когнитив функцияларда ҳам салбий ўзгаришлар кузатилиб, диққат бузилиши (44,5%) ва эслаб қолиш қийинчилиги (36,1%) когнитив бузилишларнинг эрта белгилари сифатида баҳоланди. Камроқ ҳолларда психотик бузилишлар (галлюцинациялар - 17,4%) учради.

Шундай қилиб, ПКда номотор бузулишларнинг кенг доираси қайд этилди. Касаллик зўрайиб борган сари кучайиб борадиган симптомлар мотор бузилишлари билан параллел равишда сезиларли даражада камайди, кундалик фаоллик АРД ва ТД гуруҳлари ўртасида вегетатив бузилишларнинг оғирлиги бўйича фарқлар аниқланмади ( $p=0,2$ ).

Биз турли хил клиник касалликларнинг учраш частотасини таҳлил қилдик. Эркаклар ва аёллар ўртасида ПК шакллари бўйича статистик сезиларли фарқлар аниқланмади. Эркаклар ва аёлларда эҳтимоллик касалликнинг у ёки бу шакли ривожланиши бир хил экани аниқланди. ПК 1-3 босқичидаги беморлар орасида олинган маълумотлар кўрсатишича, касалликнинг оғирлашиши билан барча когнитив ва психоэмоционал кўрсаткичларда салбий динамика кузатилди.

UPDRS кўрсаткичлари 1-босқичда ўртача  $18,4 \pm 4,2$  балл бўлган бўлса, 3-босқичда  $48,9 \pm 6,4$  баллга етди.

Когнитив функцияларни баҳоловчи RAVLT ва VFT тестларида ҳам изчил пасайиш кузатилди: RAVLT кўрсаткичи 1-босқичда  $46,2 \pm 5,5$  баллдан 3-босқичда  $30,4 \pm 5,9$  баллга, VFT эса мос равишда  $32,5 \pm 4,1$  баллдан  $20,3 \pm 4,2$  баллга тушди. Бу хотира ва вербал фаолликдаги етарли йўқотишларни кўрсатади. Психоэмоционал ҳолатда ҳам яққол ёмонлашиш тенденцияси кузатилди. Бек депрессия шкаласи бўйича баллар 1-босқичда  $9,8 \pm 3,1$  бўлган бўлса, 3-босқичда  $20,6 \pm 4,4$  га етди, НАМ-А бўйича эса хавотир даражаси  $10,4 \pm 2,8$  дан  $21,7 \pm 4,1$  га кўтарилди. Ҳаёт сифатини баҳоловчи EQ-5D кўрсаткичи касаллик оғирлашиши билан изчил пасайиб, 1-босқичда  $0,86 \pm 0,07$  дан 3-

босқичда  $0,58 \pm 0,09$  га тушди, бу мотор ва номотор симптомлар биргаликда ҳаёт сифатини кескин пасайтиришини тасдиқлайди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Касалликнинг турли босқичларида ПК билан оғриган беморларда когнитив бузилишлар

| Шкалалар (балларда)   | 1-босқич        | 2-босқич          | 3-босқич                    |
|-----------------------|-----------------|-------------------|-----------------------------|
| UPDRS                 | $18,4 \pm 4,2$  | $32,7 \pm 5,8^*$  | $48,9 \pm 6,4^{***\wedge}$  |
| RAVLT                 | $46,2 \pm 5,5$  | $38,7 \pm 6,1^*$  | $30,4 \pm 5,9^{***\wedge}$  |
| VFT                   | $32,5 \pm 4,1$  | $26,8 \pm 4,6^*$  | $20,3 \pm 4,2^{***\wedge}$  |
| Бек депрессия шкаласи | $9,8 \pm 3,1$   | $14,7 \pm 3,9^*$  | $20,6 \pm 4,4^{***\wedge}$  |
| НАМ-А                 | $10,4 \pm 2,8$  | $15,9 \pm 3,6^*$  | $21,7 \pm 4,1^{***\wedge}$  |
| EQ-5D                 | $0,86 \pm 0,07$ | $0,72 \pm 0,08^*$ | $0,58 \pm 0,09^{***\wedge}$ |

Изоҳ: \*- 1-босқичга нисбатан аҳамиятли (\*-  $p < 0,05$ , \*\*- $p < 0,01$ , \*\*\*-  $p < 0,001$ ); ^ -1-к/гурӯҳга нисбатан аҳамиятли (^-  $p < 0,05$ , ^^- $p < 0,01$ , ^^^-  $p < 0,001$ ).

ПК билан оғриган беморларнинг акинетик-ригид доминант (АРД) ва титроқ доминант (ТД) клиник шакллари қиёсий таҳлили натижасида, деярли барча кўрсаткичларда АРД гуруҳида юқори салбий ўзгаришлар кузатилди. UPDRS кўрсаткичлари бўйича АРД гуруҳи беморларида I–IV бўлимларда баллар мос равишда юқори бўлиб, мотор ва номотор симптомлар оғирроқ кечишини кўрсатди (масалан, UPDRS III - АРДда 32,7 балл, ТДда 24,8 балл). Когнитив тестлар натижалари АРД гуруҳида анча паст бўлиб, RAVLT кўрсаткичи 36,4 балл (ТДда - 42,5 балл), VFT эса 24,7 балл (ТДда - 29,3 балл) бўлди, бу эса хотира ва вербал фаолликдаги етарли даражадаги йўқотишларни кўрсатади. НАМ-А бўйича хавотир даражаси 17,5 балл (ТДда - 13,8 балл), Бек депрессия шкаласи бўйича депрессия белгилари 16,1 балл (ТДда - 12,4 балл) бўлди. Ҳаёт сифатини баҳоловчи EQ-5D кўрсаткичи АРД гуруҳида паст (0,70) бўлиб, ТД гуруҳида 0,78 ни ташкил этди. Бу мотор ва номотор симптомлар биргаликда ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайтиришини тасдиқлайди, (3-жадвал).

## 3-жадвал

### Паркинсон касаллиги билан оғриган беморларда АРД ва ТД қиёсий тавсифи

| Клиник кўрсаткичлар          | ТД гуруҳи       | АРД гуруҳи          |
|------------------------------|-----------------|---------------------|
| UPDRS II                     | $16,7 \pm 3,8$  | $20,5 \pm 4,2^*$    |
| UPDRS III                    | $24,8 \pm 4,5$  | $32,7 \pm 5,1^{**}$ |
| UPDRS IV                     | $4,2 \pm 1,5$   | $5,8 \pm 1,9^*$     |
| RAVLT (балл)                 | $42,5 \pm 5,3$  | $36,4 \pm 5,9^{**}$ |
| VFT (балл)                   | $29,3 \pm 4,2$  | $24,7 \pm 4,5^*$    |
| НАМ-А (балл)                 | $13,8 \pm 3,6$  | $17,5 \pm 3,9^*$    |
| EQ-5D                        | $0,78 \pm 0,08$ | $0,70 \pm 0,09$     |
| Бек депрессия шкаласи (балл) | $12,4 \pm 3,2$  | $16,1 \pm 3,8^*$    |

